

19«10»2022 yil.

Ушбу пудрат шартномаси «*Буюртмачи*» деб аталувчи Избоскан тумани Халк таълими бўлими ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари А.Абдукаримов бир томондан ва «*Пудратчи*» деб аталувчи «*OBOD YURT BUNYODKOR*» ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи рахбари Ш.Шодмонов иккинчи томондан келишув асосида амалдаги қонунларга мувофиқ тузилди.

I. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ

1.1. «*Пудратчи*» мазкур шартнома шартларига мувофиқ «*Буюртмачи*»нинг тасарруфидаги 37-умумий ўрта таълим мактабининг жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради.

II. ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Бажарилиши лозим бўлган ишлар «*Буюртмачи*» томонидан тасдиқланган сметага ва танлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланган ишлар қийматига асосан жорий нархларда **44500000 (қирк тўрт миллион беш юз минг)** сўмни, жумладан ҚҚС **5804347** (беш миллион саккиз юз тўрт минг уч юз қирк етти минг) сўмни ташкил этади.

2.2. Бажариладиган ишлар қиймати узил кесил хисобланиб, фақатгина ишлар ҳажми буюртмачи томонидан ўзгартирилганида ва форс мажор ҳолатлари сабаб бўлганида қайта кўриб чиқилиб, томонлар ўртасида қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

2.3. Шартнома томонлар ўртасида имзоланиб, тегишли Ғазначилик бўлимида рўйхатга олингандан сўнг 5 банк иш кунинда «*Буюртмачи*» бажариладиган ишлар умумий қийматининг 30 фоизини тўловлар кетма кетлигига асосан олдиндан аванс тариқасида «*Пудратчи*»нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

2.4. Бажарилган ишлар учун тўловларнинг қолган 70 фоизи сўмини «*Пудратчи*» томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида ўтказиб беради.

2.5. «*Буюртмачи*» охириги тўловни «*Пудратчи*» томонидан иш тўлиқ бажариб топширилиб, қабул қилиш – топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар қийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 60 банк иш кунидан кечикмаган муддатда ўтказиб беради.

2.6. Бажарилган ишлар учун тўловлар «*Буюртмачи*» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «*Пудратчи*»нинг мажбуриятлари

Шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган объектни «*Буюртмачи*»дан далолатномага асосан қабул қилиб олади.

Мазкур шартномада илова қилинадиган тўлов жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб 15 кун муддат ичида ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 60 (олтмиш) кун муддатда ишларни бажариб топширади.

Барча ишларни тасдиқланган смета ҳужжатларига мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда «*Буюртмачи*»га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

3.2. «*Пудратчи*»нинг ҳуқуқлари

Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс ҳақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла ҳажмда хисоб китоб қилинишини талаб қилиш;

Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;

3.3. «*Буюртмачи*»нинг мажбуриятлари

Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;
Бажарилган ишлар учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

3.4. «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари

«Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш;

«Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш комиссияси иштирокида лойиха ҳужжатлари асосида ишни сифатли бажарган ҳолда қабул қилиб олиш;

«Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини назорат қилиш;

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаса мажбуриятни бажармаган томон иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

4.2. «Пудратчи» объектни ўз вақтида топширмаганлиги учун «Буюртмачи»га ҳар бир кечиктирилган кун учун шартнома мажбуриятлари бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеня суммаси бажарилмаган мажбуриятлар баҳосининг 50 % идан ошмаслиги керак.

4.3. Аниқланган нуқсон ва камчиликлар «Пудратчи» томонидан ўз вақтида бартараф қилинмаса «Буюртмачи» тўловлар тўхтатилади. Лозим даражада бажарилмаган ишларнинг 20 % и миқдорида «Пудратчи» жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан ўз вақтида ҳақ тўланмаса, ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 %и миқдорида пеня тўлайди. Тўланадиган пеняларнинг умумий суммаси кечиктирилган тўловларнинг 50 %и миқдоридан ортимаслиги керак.

4.5. Тўланадиган пенялар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

V. ФОРС МАЖОР ХОЛАТЛАР

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва бу ҳолатлар шартнома шартларини бажарилишига бевосита таъсир этса томонларнинг жавобгарликдан озод этилиши Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

VI. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ, БЕКОР ҚИЛИШ ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Мазкур шартнома белгиланган шаклда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

6.2. Мазкур шартнома бўйича юзага келиши мумкин бўлган низо ва келишмовчиликлар ўзаро муҳокама йўллари билан ҳал этилади. Агарда ўзаро муҳокама йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаса Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Хўжалик суди орқали ҳал этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб, ҳудудий Ғазначилик бўлимида рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам ҳуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ

“Буюртмачи”

Избоскан туман Халқ таълими бўлими

Избоскан туман Накшбанд кўчаси

ШХВ: 100022860032147092100075066

ИНН:207125126 ОКОНХ 92310

ЎзР Молия вазирлиги Ғазначилиги Ягона

Ғазна х/в:23402000300100001010

ИНН:201122919 МФО:00014 Марказийбанк

Тошкент шаҳар ХҚК/У

Мулҳазар А.Абдукаримов



“Пудратчи”


“Обод юрт Бунёдкор” МЧЖ

Андижон вилояти Избоскан тумани

Хр: 20208000300862928001

АТБ Хамкор банк амалиёт бўлими

МФО: 00083 СТИР: 305443061

Рахбар:  Ш.Шодмонов



Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang.



Imzolovchi F.I.SH.	AZIZILLO ABDUKARIMOV KOZIMJONOVICH
Imzolangan sana	19.10.2022 16:41
Hujjat kodi	UY5551002884
Hulosa kodi	XF6661635386

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

XF6661635386

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **37-umumiy o'rta ta'lim maktabining joriy ta'mirlash ishlarini bajarib berish**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Izboskan tumani xalq ta'limi tomonidan 13.10.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Izboskan tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



A.K.QOSIMOV

19.10.2022